

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 2

**МАВЗУ: БЎЙИН, БЕЛ, ДУМҒАЗА ВА ДУМ УМУРТҚАЛАРИ,
УЛАРНИНГ БОЛАЛАРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

2- амалий машулот. (2-маъруза)

Мавзу: Бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқалари, уларнинг болалардаги хусусиятлари.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар:

1. Бўйин умуртқаларининг тузилишини ўргатиш
2. Бел умуртқаларининг тузилишини ўргатиш
3. Думғаза умуртқаларининг тузилишини ўргатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва болалардаги хусусиятларини тушунтириб, асосий белгиларини кўрсатиб беради.

Бўйин умуртқалари (vertebra cervicales) 7 та бўлиб, уларнинг танаси кичик, умуртқа тешиги эса катта ва овал шаклида.

Уларнинг хусусиятларидан бири кўндаланг ўсиқларидаги тешик бўлса, иккинчиси II-VI бўйин умурталарининг қиррали ўсимталари калта ва айрисимон. VII бўйин умуртқасининг қиррали ўсимтаси узун, шунинг учун уни туртиб турувчи умуртқа деб аталади. I-бўйин умуртқаси атлант бошқалардан фарқ қилади. Унинг танаси йўқ, иккита олдинги ва орқа равоқлари ўзаро ён массалар воситасида бирикади. Қиррали ўсиғи ўрнида орқа дўмбоғи бор. Олдинги равоқда олдинги дўмбоқ бўлиб, ички томонида тиш чуқурчаси бор. Ён массаларда юқори ва пастки бўғим юзалари мавжуд.

II-бўйин умуртқаси бошқа умуртқалардан тиши билан фарқланади. Тишда учи ва бўғим юзаси бўлиб, у вертикал атрофида ҳаракат қилади.

VI-бўйин умуртқасида уйқу дўмбочаси бўлиб, уйқу артерияси унга жуда яқин жойлашган.

VII-бўйин умуртқаси туртиб турувчи умуртқа дейилиб, қиррали ўсимтаси узун ва учи қалинлашган.

Бел умурталари (vertebra lumbales) 5 та бўлиб, танаси катта, тешиги учбурчак шаклда ва кичкина. Қиррали ўсимтаси калта ва ясси, умурта танасига 90° бурчак ҳосил қилиб жойлашган. Юқориги бўғим ўсимталарида кичкина сўғичсимон ўсимта бор.

Думғаза умурталари 17-25 ёшларда ўзаро бирикиб бир бутун суякни (os sacrum) ҳосил қилади. Думғаза учбурчак шаклида бўлиб, унинг юқорига

караган қисми асоси, пастки торайган учи бор. Унда 2 та: чанок юзаси ва орқа юзаси тафовут қилинади.

Чанок юзасида 4-та кўндаланг чизиклар ва тешиклари бор. Думғазанинг дорзал юзасида 5 та қирра: тоқ ўрта қирраси қиррали ўсимталарнинг кўшилишидан, жуфт оралиқ қирраси бўғим ўсимталарининг кўшилишидан, жуфт латерал қирра кўндаланг ўсимталарнинг кўшилишидан ҳосил бўлади. Оралиқ ва латерал қирралар ўртасида орқа думғаза тешиклари жойлашган. Ён қисмларида кулоқсимон юза ва думғаза дўнглиги бор. Думаза умуртқаларининг тешиклари кўшилиб думғаза каналини ҳосил қилади. Бу канал пастга томон торайиб каналдан чиқиш тешиги бўлиб тугайди. Унинг икки томонида думғаза шохлари ҳосил бўлади.

Дум умуртқалари 3-5та. Улар ўзаро кўшилиб дум суягини ҳосил қилади. Бу рудиментар суяк бўлиб, асоси юқорига учи пастга қараган. I дум умуртқасида дум шохи бор.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўллаймиз. Учта кичик гуруҳга биттадан савол берилади: 1.Бўйин умуртқаларининг гузилиши. 2. I ва II бўйин умуртқаларининг тузилиши. 3. думғаза умуртқаларининг тузилиши. Жавоб берилгандан сўнг гуруҳлар алмашилиб бошқасини ҳатосини тўрилайди ва тўлатади. Кимни жавоби кам тўриланса у тўри ҳисобланади ва яхши баҳоланади.

Тест саволлари

1.Бўйин умуртқаларининг ўзига хос хусусиятлари қандай?

A.fovea costalis

Г.processus accesorius

Б.pocessus costarius

Д.tuberculum anterius

В.foramina processus transversus

2.Умурта поғонасининг бўйин қисмида нечта умуртқа бор?

A.8 Б. 5 В. 10 Г. 7 Д. 6

3.Биринчи бўйин умуртқасининг номи?

A.vertebra I

Г.vertebra promenens

Б.vertebra cervicales

Д.axis

В.atlas

4.Иккинчи бўйин умуртқасининг номи қандай?

A.axis

Г.vertebra caroticum

Б. vertebra promenens

Д. vertebra cervicales

В.atlas

5.Атлантнинг равоқлари ўзаро қандай ҳосила воситасида бириккан?

A.facies articularis

Г.massae lateralis

Б.tuberculum posterius

Д.processus articularis

B.tuberculum anterius

6.Думғаза суягининг юқори кенгайган қисми?

A.apex

Г.basis

Б.hiatus sacralis

Д.facies anterior

В.facies superior

7.Думғаза суягининг пастки торайган қисми?

A.facies inferior

Г.facies anterior

Б.hiatus sacralis

Д.apex

В.facies superior

8.Crista sacralis mediana нималарни бирикишидан ҳосил бўлади?

A.processus transversus

Г.cornua sacralia

Б.processus spinosus

Д.tuberositas sacralia

В.processus articularis

9.Думғаза суяги ичида қандай ҳосила бўлади?

A.hiatus sacralis

Г.crista sacralis

Б.canalis sacralis

Д.tuberositas sacralia

В.cavitas sacralis

10.Бел умуртқаларининг ўзига хос хусусияти нимади?

A.foramina sacralia

Г.fovea costalis

Б.tuberculum anterius

Д.promontorium

В.processus accesorius

Топшириқлар:

1. бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқалари қисмларининг ўзбекча ва лотинча номларини билиш

2.бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3.бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси
Аъзонинг номи бўйин, бел ва думғаза умуртқаси

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг тузилишини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, уларнинг одамдаги аҳамиятини тушунтира олса. Елка камари ва елка суягининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг тузилишини ва ундаги ҳосилаларни кўрсатиб, лотинча номларини айтиб, одамдаги аҳамиятини тушунтира олса.
55-70	Қониқарли	Талаба бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг тузилиши ва уларнинг қисмлари тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	Қониқарсиз	Талаба бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқаларининг тузилиши, уларнинг қисмлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

- 1.Бўйин умуртқаларининг қандай хусусиятлари бор?
- 2.Биринчи бўйин умуртқасининг тузилиши қандай?
- 3.Иккинчи бўйин умуртқасининг тузилиши қандай?
- 4.Бел умуртқаларининг қандай хусусиятлари бор?
- 5.Думғаза суягининг тузилиши қандай?
- 6.Думғаза суягининг олдинги юзасида қандай ҳосилалар бор?
- 7.Думғаза суягининг орқа юзасида қандай ҳосилалар бор?
- 8.Думғаза суягининг болалардаги хусусияти қандай?
- 9.Дум умуртқаларининг тузилиши қандай?

Машғулотнинг таъминланиши

Скелет, алоҳида бўйин, бел, думғаза ва дум умуртқалари